

## **РЕСПУБЛИКАМИЗДА ВИНО ТАЙЁРЛАШНИНГ БАЪЗИ МУАММОЛАРИ**

**Алиқулова С.М., Абдуллаев Ф.Х., Байметов К.И.**

Узумчилик Ўзбекистон қишлоқ хўжалигининг анъанавий соҳаларидан бири ҳисобланади. Республикамизнинг тупроқ-иқлим шароитлари бу ерда ҳар хил муддатда пишадиған ва ҳар хил йўналишдаги узум навларини етиштириш, ундан юқори ва сифатли ҳосил олиш имкониятини беради.

Лекин республикамизнинг иқлими кескин континентал, ёз ойлари иссиқ, жанубий вилоятларда ҳаво ҳарорати 55-60°C гача кўтарилмоқда, қиш ойлари совуқ ҳаво ҳарорати - 32°C гача пасайиб кетмоқда.

Республикамизнинг ҳамма ҳудудлари қурғоқчил ва сув танқислиги билан характерланади. Ҳозирги кунда сув танқислиги деярли барча ҳудудларда кескин намоён бўлмоқда ва у келажакда яна ҳам кескинлашиши кутилмоқда.

Кузатилаётган глобал иқлим ўзгаришлар, ҳаво ҳароратининг кўтарилиши, шўрланган ва деградацияга учраған ерларнинг кенгайиши, қишлоқ хўжалик экинларининг, шу жумладан узумнинг ҳам унумдорлигига салбий таъсир кўрсатиб пасайтириб юбормоқда.

Шундай шароитларда қурғоқчил иқлимга мослашган, қурғоқчиликка ва бошқа стресс омилларга чидамли маҳаллий узум навлари шаклланган.

Ўзбекистонда хўраки, кишмишбоп ва винобоп навлари кенг тарқалган. Бу йўналишдаги узумларнинг замонавий талабларига жавоб берадиган навлари яратилган. Лекин кейинги бир неча йиллар давомида Марказий Осиёда, шу жумладан Ўзбекистонда ҳам баъзи бир объектив сабаблар кўра винобоп навларнинг майдонларини кескин қисқаришига олиб келди ва бу хўраки узум навларининг ривожланишига ижобий таъсир кўрсатди.

Узумнинг техник навлари коллекциясини кенгайтириш, жаҳон бозори талабларига тўла жавоб бера оладиган навлар яратиш ва уларни яхшилаш, интродукция ва селекция ишларини йўлга қўйиш ўтган асрнинг бошларида бошланди ва винобоп навлар мажмуаси анча бойитилди. Бу узумчиликни ривожлантиришга ижобий таъсир кўрсатди.

Интродукция ва селекция ишларининг натижасида узумзорларда маҳаллий навлар билан бир қаторда Кавказ орти мамлакатларидан, Молдавия, Қрим, Ғарбий Европадан келтирилган винобоп ва янги хўраки навлар ўрин олди.

Баъзибир интродукция қилинган навлар учун Ўзбекистоннинг табиий шароитлари қулай бўлганлиги учун улардан юқори сифатли маҳсулот олинмоқда. Буларга грузин навларидан Ркацителли ва Саперави, Азербайджан навларидан Баян ширей, Ғарбий Европа навларидан Алеатика, Мускатлар ва бошқалар қиради. Лекин юқори сифатли бўлган навларга бўлган талаб ошиб бормоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 1 апрелдаги “Илмий ва инновацион фаолиятини ривожлантириш” бўйича давлат бошқаруви тизимини такомиллаштириш тўғрисида”ги ПФ 6198 сонли фармони “Инновацион ривожланиш вазирлигининг 2021-2022 йиллардаги устувор фаолият йўналишларини амалга ошириш бўйича амалий чора-тадбирлар” дастурида “Ўсимликлар генетик ресурслари илмий тадқиқот институти” га Республиканинг турли тупроқ-иқлим шароитларига мос узумнинг агробіологик хусусиятларини Тошкент вилоятининг Қибрай туманида ўрганиш асосида экспортбоп хўраки ва истиқболли техник навларини яратиш” учун узумнинг техник ва хўраки навларини лаборатория шароитида механик тахлилини ўрганиш, тахлил ва белгиланган тадбирларни амалга ошириш топшириғи берилди.

Ҳозир Республикамизда экилган қайта ишлашга мўлжалланган техник йўналишдаги узум навларининг шарбат чиқими 600 л/т тўғри келади, янги навларга талаб эса 700 л/т; хўраки навларнинг қуруқ массаси амалда 20 кг/ц бўлса, бугунги кун маҳаллий ва жаҳон бозори талаби эса 35 кг/ц ташкил этмоқда.

Биз шу кўрсаткичларга етишимиз керак.

Бу ишларни амалга оширишимиз учун ЎГРИТИ узум коллекциясида мавжуд техник навларни ажратиб олиб, илгари олиб борилган тадқиқотлар натижасида тўпланган маълумотлардан фойдаланилди.

Техник навлар орасидан шарбат миқдори юқори бўлган намуналарга кўпроқ эътибор берилди ва улардан тайёрланган виноларга қисқа тавсиф берилди.

Ажратиб олинган винобоп оқ техник навларнинг ширадорлиги 18% (Буера)дан 21% оралиғини Мюллер (Тургаи) ташкил этди. Нордонлиги бўйича навлар орасидаги фарқ унча катта бўлмади – 6,5 г/л дан (Пино блан) 7,5 г/л (Бишти, Буера ва бошқалар) гача бўлди (Жадвал 1.). Лекин шарбатининг чиқиши кўп навлар орасидаги фарқ сезиларли даражада бўлди 63,6% (Воскеат) дан 73,6% (Буаки нор) гача ташкил этди.

Тайёрланган виноларнинг сифатига, нордонлиги, ширадорлиги билан шарбатининг чиқиши оралиғида корреляцион боғлиқлик йўқ эканлиги маълум бўлди. Шарбатининг чиқиши кам бўлган Мюллер Тургау-64,2%, Мцвани Кахури – 63,3% – тайёрланган виносининг дегустацион баҳоси 8,0-8,3 баллни ташкил этди. Ширасининг чиқими юқори бўлган Бахтиори – 72,3%, Буаки нор – 73,6% ларда виноларининг дегустацион баҳоси 7,8-7,9 баллга етди.

Шу сабабдан бунга эътибор бериб бизга ширасининг чиқими юқори ва вино сифати ҳам юқори бўлган навлар топиш ёки яратиш керак, деган хулосасига келдик.

Қизил техник навларнинг ширадорлиги 18,5% (Пино нуар, Ростовский черний) дан 21,0% (Тиграни) гача бўлди (Жадвал 2). Нордонлиги эса 6,9г/л (Лкени черний) дан 8,2 г/л (Брязи) ни ташкил этди. Шарбатининг чиқиши бўйича энг юқори кўрсаткич Брязи, Кармрашат, Ростовский черний, Сенсо, Тиграни навларида кузатилди. Уларда шарбатининг чиқими 71,1% дан 75,4% гача етди.

Қизил техник навлардан тайёрланган виноларда ҳам оқ виноларга ўхшаш нордонлик, ширадорлик билан шарбат чиқиши оралиғида корреляция ябоғлиғлик йўқлиги маълум бўлди.

Олиб борилган тадқиқотлар ҳамда кузатишлар натижасидан келиб чиққан ҳолда шундай хулоса қилишимиз мумкинки, қизил техник навлар интродукциясини ва селек-циясини кучайтириш муҳим ўрин тутади.

**“IQLIMNING DAVOM ETAYOTGAN O‘ZGARISHI SHAROITIDA OZIYQ-OVQAT XAVFSIZLIGIGA ERISHISH UCHUN AGROBIOLOGIK XILMA-XILLIKNI O‘RGANISH, SAQLASH VA BARQAROR FOYDALANISH MUAMMOLARI” mavzusidagi xalqaro ilmiy-amaliy konferensiya. 28-sentabr 2023-yil.**

**Жадвал 1. Ажратиб олинган оқ техник навларга ҳамда улардан олинган виноларнинг қисқача тавсифи.**

№	Навлар	Ширадор-лиги, %	Нордонлиги, г/л	Шарбати-нинг чиқиши, %	Виноларнинг дегустация баҳолаш, балл			Виноларнинг тавсифи
					Тиниқлиги	Таъми	Балл	
1.	Бахтиори	19,0	7,0	72,3	1,4	4,0	7,9	Оч сариқ рангда, тиниқ, хушбўйлиги оддий, таъми оддий
2.	Бишти	19,5	7,5	77,3	1,4	4,1	8,1	Сарғиш рангда тиниқ, хушбўйлиги ўзига хос, таъми тетиклаштирувчи
3.	Буаки нор	20,0	7,0	73,6	1,4	4,0	7,8	Тиниқ, хушбўйлиги ва таъми оддий
4.	Будешури тетри	19,0	7,0	69,2	1,5	4,2	8,4	Вино сомон рангда, тиниқ, ёқимли, таъми – соф уйғунлашган
5.	Буера	18,0	7,5	66,9	1,5	4,1	8,3	Сомон рангда, тиниқ, хушбўйлиги оддий, таъми уйғунлашган
6.	Воскеат	19,5	7,0	63,6	1,4	4,1	7,9	Оч сариқ рангда, тиниқ, хушбўйлиги оддий, таъми сифати ўртача уйғунлашган
7.	Мцване кахури	19,0	7,0	63,9	1,4	4,2	8,3	Вино оч сариқ рангда, тиниқ, хушбўйлиги ўзига хос, энгил уйғунлашган
8.	Мюллер тургау	21,0	7,5	64,2	1,4	4,2	8,3	Вино яшил-сариқ рангда, хушбўй, тиниқ, юмшоқ
9.	Пино блан	19,0	6,5	70,6	1,4	4,2	8,2	Сомон рангида, тиниқ, энгил, жонли, нордонлиги бир мунча паст
10.	Семильон	20,0	7,5	70,6	1,4	4,1	8,2	Оч сариқ рангда, тиниқ, хушбўйлиги ўзига хос, энгил
11.	Тарнау	20,5	7,5	70,2	1,4	4,0	7,9	Оч сомон рангда тиниқ, хушбўйлиги ва таъми оддий

**Жадвал 2. Ажратиб олинган қизил техник навларга ҳамда улардан олинган виноларнинг қисқача тавсифи.**

№	Навлар	Ширадорлиги, %	Нордонлиги, г/л	Шарбати-нинг чиқиши, %	Виноларнинг дегустация баҳолаш, балл			Виноларнинг тавсифи
					Тиниқлиги	Таъми	Балл	
1.	Ароматика	20,0	7,8	68,7	1,6	4,3	8,5	Ранги тўйинган қизил, тиниқ, хушбўйлиги ёқимли, таъми уйғунлашган

**2-YO'NALISH: QISHLOQ XO'JALIGI EKINLARI SELEKSIYASI UCHUN BIRLAMCHI  
MATERIALLARNI O'RGANISH VA AJRATIB OLISHDA ZAMONAVIY USULLAR**

2.	Брыззы	20,0	8,2	73,3	1,5	4,2	8,4	Ранги қизил, тиниқ, хушбўйлиги яхши ва ёқимли, виноси яхши ва сифатли
3.	Бюрокани	20,5	8,0	71,1	1,6	4,3	8,6	Ранги тўқ қизил, тиниқ, хушбўйлиги ўзига хос, таъми уйғунлашган, яхши
4.	ВИР-1	19,5	7,7	7,0	1,6	4,2	8,5	Ранги тўйинган қизил, тиниқ, хушбўйлиги ёқимли, уйғунлашган
5.	Крамрашат	20,5	7,3	75,4	1,6	4,3	8,6	Ранги тўйинган қизил, тиниқ, хушбўйлиги ўзига хос, таъми ёқимли уйғунлашган
6.	Красностоп Золотовский	21,5	7,2	62,2	1,6	4,2	8,3	Ранги тўйинган қизил, тиниқ, хушбўйлиги ўзига хос, таъми тўйинган
7.	Лкени черный	19,5	6,9	69,8	1,5	3,9	7,8	Ранги тўйинган қизил, қизил, ўзига хос муаттар ҳидли, таъми – тўйинган, оғир, дағалроқ
8.	Пино нуар	18,5	7,2	71,4	1,6	4,3	8,3	Ранги тўқ қизил, тиниқ, хушбўйлиги ўзига хос, таъми уйғунлашган
9.	Ростовский черный	19,0	7,3	72,8	1,5	4,0	8,2	Тўқ қизил, тиниқ, хушбўйлиги навга хос, таъми ёқимли, уйғунлашган
10.	Сенсо	20,0	7,4	74,7	1,6	4,0	8,3	Тўқ қизил, тиниқ, хушбўйлиги навга хос, таъми ёқимли
11.	Сыпун черный	20,5	8,0	68,1	1,6	4,0	8,2	Ранги қизил, тўйинган, тиниқ, хушбўйлиги ўзига хос, таъми уйғунлашган
12.	Тиграни	21,0	7,0	72,4	1,5	4,2	8,4	Ранги тўқ қизил, тўйинган, тиниқ, хушбўйлиги навга хос, таъми тўйинган, уйғунлашган
13.	Цимлянский черный	20,0	7,4	66,7	1,5	4,0	8,1	Ранги тўқ қизил, тиниқ, хушбўйлиги навга хос, таъми – яхши, уйғунлашган

**Хулоса:**

1. Республикамизда юқори сифатли жаҳон андозаларига мос келадиган винолар тайёрлаш учун ҳамма шароитлар мавжуд.

2. Институт узум коллекциясида шарбатининг чиқиши 70% ва ундан юқори бўлган узум навлари бор.

3. Бу йўналишда чуқур ва жиддий тадқиқотларни олиб бориш лозим.